

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
«Трансулқурилиш Карши»  
МЧЖ директори  
Т.Расулов  
2022й

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Қарши-2022

## **Танлов ҳужжатларининг Мазмуни:**

**I. Тағлов иштирокчилари учун йщриынома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

### **Танлов Иштирокчиси учун йўриқнома**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрельдаги ЎРҚ-684-сон-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидалари тўғрисида”ги Қонунга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлиги “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этигш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

### **1. Танлов Предмети ва тахминий қиймати**

1. Танлов предмети:

–“Трансйўлқурилиш Қарши” МЧЖ Қашқадарё вилояти Ғузор тумани А-380 «Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу» км(0-15) реконструкция қилиш ишларида Пиёдалар йўлакчасини қуриш ишлари учун 33 000 000 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.2 Бажариладиган ишлар бўйича Техник топшириқ, танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинади.

**1.3. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-шартнома тузилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### **2. Танлов Ташкилотчилари**

2.1 “Трансйўлқурилиш Қарши” МЧЖ (бундан кейин –“Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри А.Навоий-5

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда. Белгиланган муддатларда ўтказилади.

2.3. Танлов “Трансйулкурулиш Карши” МЧЖ биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 20 фоиз миқдоридиги айланма маблағларининг ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лайоқати ва ваколатлар;

Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги

Ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағ миқдори.

3.3 Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда мувофиқи тегишли лицензияга эга бўлган талабларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмади:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### **4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон курунишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2 Танлов ва таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар «Буюртмачи» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатариди қуйидаги тақдим этилиши лозим:

-Техник қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ курсатгичлар курсатилган бўлиши керак.

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ курсатгичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқланган холда тақдим этилиши лозим.

4.4.Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ва ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5.Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугаганга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## **6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ёлиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ёлиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилаган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7.БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1 . Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бирга вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров

юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки куни ичида давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачисига, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларини қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. таклифларни кўриб чиқиб ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинадиган сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч кун ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

т/р	Иш хизмат тури	Ўлчов бирлиги	Микдори	Умумий Суммаси
1	Пиёдалар йўлакчасини қуриш пудрат ишларини бажариш	км	5	33 000 000,00
	Жами:			